

НОЗИМА ШАРИПОВА

# САДОҚАТ

*Шеърлар*




Тошкент  
«Янги аср авлоди»  
2005

84(59)6-5

*Нозима учун шеър ёзиш – дил изҳори. Дилида эса меҳр, эзгулик, соғинч, айниқса, инсоннинг инсонга садоқати туйгулари мавжланиб туради. Севги ҳам, изтироб ва ҳижрон ҳам унга бегона эмас. Ушбу тўпламга содда, самимий мисраларда ўзини изҳор этаётган безовта қалб соҳибининг илк шеърларидан тартиб берилди. Ўйлаймизки, улар Сиз, азиз шеърхонларга ҳам манзур бўлади.*

Масъул муҳаррир:  
Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ, Ўзбекистон халқ шоири

ISBN 5-633-01689-0



©Н.Шарипова. «Садоқат». «Янги аср авлоди», 2005 йил.

## ЎЗБЕКИСТОН ҚИЗИМАН

Ўзбекистон Ватаним,  
Садқадир унга жоним.  
Шухратим шавкат, шоним,  
Сен билан бахтли оним.

Ҳилпираган байроғинг,  
Фурурим ифтихорим.  
Бахтиёр бу ёшлигим,  
Умримнинг гул баҳори.

Юртбошим меҳрибоним,  
Сўзлари олтинга тенг.  
Ўзбекистон Ватаним,  
Мусаффо, бағри ҳам кенг.

Ҳазарбоғим жамоли,  
Барчани лол айлаган.  
Жаматакнинг шамоли,  
Сочларимни силаган.

Мен ҳам шу гулгун юртнинг,  
Бир кўшиқчи қизиман.  
Нурли келажак сари,  
Парвоз қилган сўзиман.

## ОНА ЗАМИН ТИНЧЛИГИН САҚЛА

Оллоҳим қалбларни мунаввар айла,  
Эзгулик уруғин уларга жойла,  
Меҳр-муҳаббатни кўнгилга бойла,  
Она заминимни тинчлигин сақла.

Оламни гўдаклар кулгусига кўм,  
Ватан хоинига боқмагин сен жим,  
Юрагим орзиқиб зирқирар сим-сим,  
Она заминимни тинчлигин сақла.

Мусаффо булоғли заминим кулсин,  
Кўкси тоғ ўзбегим бахтиёр бўлсин,  
Оламга муҳаббат, эзгулик тўлсин,  
Она заминимни тинчлигин сақла.

Ноўрин бир томчи қон ҳам оқмасин,  
Надомат пушаймон чўғи ёнмасин,  
Ватандан фарзанди ҳеч вақт тонмасин,  
Она заминимни тинчлигин сақла.

## ЎШЛАР

Келажак умиди, ишончи сизсиз,  
Нурафшон айлангиз оламни мудом.  
Омад кулиб боққан сиз ўғил қизсиз,  
Ҳаётга ташлангиз қадамни бардам.

Ўзбек ўғил-қизи бўлингиз доно,  
Ҳақиқат яловин ушланг мардона.  
Унутманг, бу Ватан гўёки она,  
Азиз бошингизда доим парвона.

Ҳаёт бонги янграр умр ўткинчи,  
Ёшлик берилгайдир инсонга бир бор.  
Йиллар ўтаверар қайтмас орқага,  
Ватанни улуғланг, бўлмагайсиз хор.

## ЮРТИМ

Юртим меҳрингдан қониб яшайман,  
Тупроғинг қадрли, муқаддас менга.  
Ҳар босган қадамим дадил ташлайман,  
Пайваста бу жоним, пайваста сенга.

Зилол сувларингдан қониб ичганда,  
Бахшида айлайсан оромни менга.  
Кўм-кўк майсаларинг ичра кезганда,  
Минг қуллуқ қиламан Ватаним сенга.

Юртим муҳаббатни ўргандим сендан,  
Қалбим қат-қатида сенгадир меҳр.  
Меҳр ва вафони ўргандим сендан,  
Минг битта заррангда минг битта сеҳр.

Юрагинг юракка пайваста билсам,  
Қалбим роҳатланиб сени ўйлайман.  
Дилимга жо бўлган мўътабар номинг,  
Юртим, фақат сени ёниб куйлайман.

## ДУНЁ ГЎЗАЛЛИГИ МУЖАССАМ УНДА

Дерлар аёл зотин яратилиши,  
Узун бир тарихдир, ажиб ривоят.  
Ундаги латофат олинган эмиш  
Табиат қўйнидан, қилай ҳикоят.

Мажнунтол берганмиш унга сочини,  
Гулгунча лабларга айланган эмиш.  
Қуёш исинаркан унинг қалбида,  
Тўлин ой юзидан нур олган эмиш.

Соф булоқ кўнгилга айланган эмиш,  
Оловлар кўзига ранглар улашган.  
Зулфи гажаклари тақдир совғаси  
Тилидан булбуллар сўзлар талашган.

Дунё гўзаллиги мужассам унда,  
Ой-қуёш парвона унинг бошида.  
Шунинг-чун тасанно айтиб аёлга,  
Сажда ҳам қилишар ҳатто қошида.

## ЗИЁЛИЛАР

Маърифат зиёсин таратиб доим,  
Офтобдек кўкда сиз порлаб турасиз.  
Шогирдлар қалбига меҳр улашиб  
Уларда келажак нурин кўрасиз.

Баъзида сўзингиз аччиқ ҳақиқат,  
Ҳар бир сўзингизда ҳикмат мужассам.  
Сиз чеккан заҳматлар меваси дейман,  
Зукко талабанинг кўзларин кўрсам.

Ердан то коинот қадар сирлардан  
Заррама-зарра сиз берасиз сабоқ.  
Бугунги тарихдан то ибтидогача,  
Келажак авлодни айлайсиз огоҳ.

Истагим, сизларга омад ёр бўлсин,  
Содиқ шогирдларнинг иқболин кўринг.  
Авлодлар сизлардан миннатдор бўлсин,  
Маърифат машъалин баралла тутинг.

## ЁШЛИК

Ёшлик сени гоҳо излаб,  
Чанг кўчалар аро кездим.  
Узун тунлар самодаги  
Юлдузлардан эртақ туздим.

Мактабимнинг ҳовлисида  
Таниш бўлган боғни кездим.  
Ўша бир туп мажнунтолдан,  
Сени фақат сени сўрдим.

Тошқин сувга боқиб ногоҳ,  
Кетиб қолдинг деб ўйладим.  
Қўлга олиб мен созимни,  
«Қайтмас баҳор» деб куйладим.

Умргинам баҳорисан,  
Гўзал ўша гул ёшлигим.  
Қўмсаб сени чорлагайман,  
Ўша бедор бебошлигим.

## КУЗ

Тилларанг улашиб ташриф айлади,  
Сахий куз шамоллар оғушида маст.  
Ернинг кўксига у аста қўйди бош,  
Тупроқдан ненидир сўради сармаст.

Сархуш куз ҳукмини ўтказар гўё,  
Бўйсунмас, атрофга ненидир сўзлар.  
Балки у пайтлар муҳаббат қўйган,  
Баҳорни соғиниб тинимсиз бўзлар.

Жимжитлик, сукунат ҳукмрон ҳар ён,  
Дарахтдан сўнгги бир барг ҳам узилди.  
Балки куз «алвидо» сўзи битилган  
Баҳорнинг энг сўнгги хати ёзилди.

## НИГОҲ

Мана учрашдилар ногоҳ нигоҳлар,  
Беҳосдан ғунчадек лаблар барг ёзди.  
Кўзлар пичирлади юрак сирларин,  
Хаёллар қувлашиб боғларни кезди.

Диллар бир-бирига роз айтар эди,  
Овозлар лол эди, нигоҳ сўзларди.  
Сармаст нигоҳларнинг бахтиёрлигин,  
Туйган булбулчалар шодон бўзларди.

Бу қисқа висолда қуёш акс этди,  
Муҳаббат гуллари ял-ял ёндилар.  
Гўёки бирлашди иккита дарё,  
Меҳрни ичдилар, қалблар қондилар...

Йиллар бир-бирини қувалаб ўтди,  
Севинчу ғамларга эврилди умр.  
Нигоҳлар минг бора ёниб тўқнашди,  
Нурли поёнига етишди умр.

Шум ўлим қанотин ёзди сўнг бора,  
Нигоҳни нигоҳдан тўсмоқчи бўлди.  
Нигоҳлар сўнгги бор яна учрашди,  
Яна сўз йўқ бўлди, муҳаббат қолди.

## СЕЗМАЙСАН

Сендан муждалар кутаман унсиз,  
Қўнғироқ жаранги қалбим ўртайди.  
Қўлимга олганда сўрайман: «кимсиз?»  
Ўшанда юрагим бир зум тўхтайди.

Сен эса бепарво, қалбим сезмайсан,  
Нигоҳим кўрмайсан, совуқ тинглайсан.  
Секин титраб турган лабим сезмайсан,  
Ҳижрон азобини балки билмайсан.

Бутун кун хаёлинг оғушида маст,  
Оламнинг шодлигин кўзим кўрмайди.  
Телефон жим турар олмоқчидек қасд,  
Ҳозир сас берар деб юрак қўймайди.

Шу алфоз жимгина унга термулиб,  
Бир оғиз сўзингни кутиб тураман.  
Ногоҳ шовқин солар у ҳам шодланиб,  
Биламан бу сенсан, ким деб сўрайман.

## СЕН ТОМОН ПАРВОЗ ҚИЛГУМ

Шеър ёзсам қаламим номингни ёзар,  
Осмонга қарасам булут сувратинг.  
Дарёда тўлқинлар хаёлдай қочар,  
Наҳотки сен мени дилдан қувладинг.

Умр дафтарини варақлайман жим,  
«Бахт» сўзин топаман баҳор ёзганми?  
Қолган саҳифалар турар қовжираб,  
«Ҳижрон»ни чўзилган ёзлар ёзганми?

Умр дафтарини очаман қайта,  
«Висол»ни шеъримга сарлавҳа қилгум.  
Қалдирғоч қанотин чизарман, сўнгра  
Ва ёниб сен томон парвозлар қилгум.

## КУТИШ

Биламан, қачондир келасан, баҳор,  
Севги чечаклари қалбимни безар.  
Кечиккан бўлсанг ҳам келаётирсан,  
Ҳапқириб, юрагим орзиқиб сезар.

Агар келар бўлсанг кетмас бўлиб кел,  
Ҳижрон хазонларин пойимга солма.  
Баҳорда боғларни ҳилол юпатгай,  
Ярқ этиб чақмоқдай сўнг сўниб қолма.

Келишинг биламан гўзал баҳорим,  
Лекин йўқотишдан қўрқаман ҳайҳот.  
Умид ва ҳавотир ёмғири ёғар,  
Балки шунинг билан гўзалдир ҳаёт.

## БАҒРИНГ БУНЧА ТОШ БЎЛМАСА

Дардим тўлди дунё ишидан,  
Ғам-андуҳлар қалбим қийнайди,  
Дарё тўлди кўзим ёшидан,  
Тоғу тошлар сўзим тинглайди.

Бағринг бунча тош бўлмаса ёр,  
Сўзинг бирла қалбим вайрона.  
Тарки дунё қилдим ихтиёр,  
Дунё гўё бўлди ғамхона.

Дил сўзимни тинглар топмадим,  
Аксу садо бериб таралдим.  
Ҳаёт сендан сира қонмадим,  
Наҳот ғурбат учун яралдим.

Бунча чигал тақдир йўлларинг,  
Кел ғурбатни йироққа ташлаб.  
Қўлларимни тутсин қўлларинг,  
Мен ҳам одам, инсондек яшай.

## СЕНИНГ ТАШРИФИНГ

Қайноқ қўлларингнинг тафти қўлимда,  
Қалбим соғинч ила сени қўмсайди.  
Нигоҳим сўроқсиз сенга талпинар,  
Қани бу хаёллар бир зум қўйсайди.

Муҳаббат мен билан бирга яйрайди,  
Мунаввар тонгда ҳам, юлдузли тунда.  
Ширин ўйларимдасан, нурли орзумда,  
Ҳаётнинг маъноси аслида шунда.


Ҳижронда ташрифинг қалбим ёритди,  
Ёғдуси оламини мунаввар қилди.  
Қалбимдан ғам, алам дардни аритди,  
Нигоҳлар учрашди қуёш ҳам кулди.

## СОҒИНЧ

Муҳаббат бонг урар қалбим тўрида,  
Қувончли кунларни ёдга оламан.  
Энг нозик туйғулар юрак қўрида,  
Лек сенсиз дунёга сиғмай қоламан.

Соғинч азобидан бардош қолмади,  
Телба мисол кездим оламини.  
Ҳолимни сўроқлаб биров келмади,  
Муҳаббат забт этган экан одамини.

Кўнглим осмонида икки шунқор қуш –  
Армон ва соғинчнинг жанги тинмайди.  
Лек голиб чиқиб-чи соғинч азоби,  
Бизни учраштирамай албат қўймайди.



## СЕНИНГ СЕВГИНГ

Ширин севгинг мени этар бахтиёр,  
Бахтдан ёниб-ёниб, яшайман яйраб.  
Сен савол бермагин севасанми, деб,  
Кўзларим гапирар у бахтдан яшнаб.

Қалбимга қулоқ сол севишим айтар,  
Атрофга назар сол табиат сўзлар.  
Тилим лол, андиша йўлимни тўсар,  
Севишим пинҳона сўзлайди кўзлар.

## ТАҚДИР

Тақдир, зарбаларинг бунча беаёв,  
Бот-бот савалайсан қилмайсан раҳм.  
Ким дўст билмам, ким дунёда ёв,  
Излаб тополмасман гоҳида малҳам.

Ажрата олмасдан оқ-у қорани,  
Қоқилиб бошимни тошга ураман.  
Тақдирнинг билгани шу экан дея,  
Токай ўзимга таскин бераман.

Умр бўйи билсам, сабоқ берасан,  
Қанчалик билсамда шунчалар жумбоқ.  
Сир-у синоатга бойдир бу олам  
Лек унинг охирин мушкулдир топмоқ.

Негадир интилиб яшайди инсон,  
Гоҳида хаёллар бўлгайдир рўё.  
Гоҳида топамиз, гоҳо йўқотиб  
Ўзимиз ўтамиз қолгайдир дунё.

## РИВОЯТ

Қадим-қадим замонда,  
Бир подшоҳ бўлган экан.  
Меҳр ва муҳаббатни,  
Қалбига туйган экан.  
Ёв келиб элу юртнинг  
Бузмоқ бўпти кулбасин.  
Шоҳ катта қўшинига,  
Сардор қипти укасин.  
Подшо укаси бирла,  
Икки ўғлин чорлабди.  
Жангда огоҳ бўлинг деб,  
Қайта-қайта зорлабди.  
Э воҳ, бўлди мусибат,  
Ҳалок бўлди бир ўғил.  
Подшога бул хабарни  
Етказдилар, вайрон дил.  
Шунда подшоҳ дедик:  
Раҳмат қилсин Оллоҳим.  
Ўзи берган эди-да,  
Ўзи олди Оллоҳим.  
Орадан ҳеч кун ўтмай,  
Кичик ўғил ҳам ўлди.  
Подшоҳнинг қалби вайрон  
Яна ўша сўз бўлди:  
Раҳмат қилсин Оллоҳим.  
Ўзи берган эди-да,  
Ўзи олди Оллоҳим.  
Орадан бир ой ўтиб,  
Шум хабар келтирдилар:  
«Подшоҳим укангизни  
Ғанимлар ўлдирдилар».  
Шунда подшоҳ тахтдан тушиб,  
Уввос солиб йиғлади.

Кўзидан қонлар тўкиб,  
Юрак бағрин тиглади.  
Мулозимлар бу ҳолдан  
Ҳайрону лол бўлдилар.  
Ҳайратдан ёқа ушлаб:  
«Бул қандай ҳол дедилар.»  
Сўнг подшоҳдан сўрадилар:  
— Шоҳим икки ўғилга  
Қайғурмаган эдингиз.  
Лекин сиз укангизга  
Кўп азият чекдингиз.  
Зор-зор йиғлаб подшоҳим,  
Дув-дув кўз ёш тўкдингиз.  
Деди подшоҳ: — Халойиқ,  
Фарзанд яна туғилар.  
Укам эса отамдан  
Қолган ёлғиз ёдгорлик.  
Ука насиб қиларму,  
Онам ўтган оламдан.  
Шунинг учун йиғлайман  
Қайғу бирла аламдан!

## ҲАҶИҚАТ

Ҳақиқат сен бунчалар аччиқ,  
Аламларни энгиб ўтарсан.  
Эгилиб сен, букилиб минг бор,  
Вақт келишин мудом кутарсан.

Ҳосил берган меваларинг-чи,  
Болдан азиз ардоқли билсанг.  
Дунё кулгай қувончга тўлгай,  
Ҳақиқат, сен аламга келсанг.

Ҳақиқат сен дунёни кезгин,  
Инсонларнинг қалблари тоза.  
Оқ қоранинг мангу жангида,  
Адолатни қилгин овоза.

## САДОҚАТ

Садоқат шундайин муқаддас туйғу,  
Эзгулик дарахтин шундай меваси.  
Ватанга садоқат – ғурур, ифтихор,  
Мардлик садоқатдан бошланар асли.

Қалбдаги садоқат туйғуси мудом  
Меҳр-муҳаббатнинг тимсоли бўлар.  
Ҳамдард-ҳамроҳ бўлиб йўлида ҳар дам,  
Ҳақиқий инсонни садоқат қўллар.

Истагим ҳар қалбда садоқат бўлсин,  
Қалбларни тўлдирсин тонги зиёдек.  
Бахтлилар садоқат уруғин эксин.  
Гўзаллик бахш этсин дилбар наводек.

Садоқат мунаввар қилса оламини,  
Хиёнат, разиллик асло бўлмайди.  
Садоқат бўлса гар ҳар вақт одамини,  
Пушаймон, надомат томон қўймайди.

## БОЛАКАЙ, УЛҒАЙГИН

Болакай, улғайиб вояга етдинг  
Отанг умидисан, онанг ишончи.  
Келажак машъалин қўлингга тутгин,  
Босган ҳар қадаминг элнинг қувончи.

Қийқириб қувнагин, ширин болажон,  
Қувончинг оламини ларзага солсин.  
Эркин бўл, қанот ёз самолар сари,  
Сенинг учқунингдан нигоҳлар ёнсин.

Болакай улғайгин, униб ўсгин сен,  
Ўзбегим ўғлони дадил бос қадам.  
Истиқлол нурлари юзинг ёритсин,  
Дунёга умид-ла келгайдир одам.

Болажон, шўх куйлар сен учун янграр,  
Оламнинг қувончи, шодлиги сенсан.  
Сен учун яралган бу гўзал олам,  
Буюк келажакнинг соҳиби сенсан.

## ҶИЗАЛОҒИМ

Жонгинамнинг бир бўлаги,  
Эканигни билмас эдим.  
Э воҳ, қизим сенга боқиб,  
Қувнаб-қувнаб тўймас эдим.

Тақдир нега бу ташвишни,  
Айрилиқни менга солди.  
Ўйлайману поёни йўқ,  
Фам аламдан жоним толди.

Руҳинг билан яшайман мен,  
Кўз ўнгимда кулча юзинг.  
Порлаб- порлаб чақнаб турган,  
Узун киприк шаҳло кўзинг.

Қалбгинамда минг бир такрор,  
Хаёлимда янграр сўзинг.  
Ўлганинг йўқ бари бекор,  
Порлаб боқар ҳамон кўзинг.

Малол ичра қолганимда,  
Руҳинг йўлим ёритар.  
Сенинг руҳинг менга ёрдир,  
Мени ким ҳам ранжитар.

## БАҲОР

Фасллар келинчаги,  
Гул баҳор кулиб боқди.  
Мажнунтол толасидан,  
Қизлар сочпопук тақди.

Баҳоройнинг чиройин  
Анҳор тошиб сўйлайди.  
Бойчечак пешвоз чиқиб,  
Баҳор билан қутлайди.

Баҳор қалбни безайди,  
Уйғотиб дов-дарахтни.  
Йигит-қиз кўл ушлашиб,  
Куйлашар гўзал бахтни.

## ФАРЗАНД

Фарзанддир меҳрибон ота-онага,  
Меҳр-ла пайваста дилларнинг тори.  
Фарзанддир қалбларнинг меҳр шуласи,  
Келажак умиди, гурури, ори.

Ота-она меҳри булоқдир мисол,  
Фарзанд қониб ичар ундан меҳрни.  
Фарзанд учун волида мабуда тимсол,  
Қиёси топилмас ушбу сеҳрни.

Қиз бола улгайгач палахмон мисол,  
Отилар тақдирнинг бир изми билан.  
Борган жойингда сен тош қотгин, дея,  
Дуолар қилишар кексалар дилдан.

## СИЗГА ТИЛАГИМ

(*Опажонимга*)

Чиройли чеҳрангиз дилга завқ берар,  
Камон қошлар гоҳо наштарин қадар.  
Хижолат мажнунтол бошини эгар,  
Гоҳо чаман гуллар ҳусн талашар.

Бетакрор, беқиёс гўзаллик сизни,  
Фаришта мисоли безайди, ҳайҳот.  
Бир қараб хаёлан ололмам кўзим,  
Бундан ҳам ўзга бахт бор бўлса наҳот.

Гўзаллик тарк этмас, сизни ҳеч қачон,  
Йиллар ўтган сари нурланиб турар.  
Опажон, ҳаётдир асли имтиҳон,  
Ҳар бир имтиҳон бир безак берар.

Тақдир ҳам ташвиш мурувват қилса,  
Юзга ажин чизар, сочга оқ терар.  
Кимни эркаласа, кимнидир суйса  
Жаннатдан гул олиб юзига тақар.

## БОЛАЖОН

Эй, бегубор болажон,  
Парвоз айла самога.  
Дунё қайта тугилар,  
Маҳтал сендан имога.

Худо ой-ю қуёшни  
Сенинг учун чорлади.  
Кўкдаги юлдузлар ҳам,  
Сенинг учун порлади.

Эй, бегубор болажон,  
Кенг жаҳонга назар сол.  
Ўзбегим ўғлонисан,  
Сўзларинг гўёки бол.

Элу юртнинг орзусин,  
Сен амалга оширгин.  
Яхшилигин дoston қил,  
Ёмонини яширгин.

Эй, бегубор болажон,  
Сен бахтлисан бегумон.  
Дунё сендан айлансин,  
Сен яшагин беармон.

## ЭЗГУЛИК УРУҒИ

Бугун сарҳисобин қилиб ҳаётим,  
Бирма-бир кунларни санаб ўтаман.  
Эзгулик риштасин боғлар баётим,  
Эй инсон, меҳрни сиздан кутаман.

Тошқин сувлар тошиб берганда озор,  
Офат дея уни тақдирга йўйгум.  
Умр ҳам тошқин сув, эмасдур безор,  
Имтиҳон эканин юракка туйгум.

Жавобсиз қолмайди ҳеч бир ишимиз,  
Яхшилик, ёмонлик ёнма-ён ҳар вақт.  
Эй инсон, буюк зот, борда кучимиз,  
Эзгулик уруғин экайлик фақат.

## МУНДАРИЖА

Ўзбекистон қизиман .....	3
Она замин тинчлигин сақла .....	4
Ёшлар .....	5
Юртим .....	6
Дунё гўзаллиги мужассам унда .....	7
Зиёлилар .....	8
Ёшлик .....	9
Куз .....	10
Нигоҳ .....	11
Сезмайсан .....	12
Сен томон парвоз қилгум .....	13
Кутиш .....	14
Бағринг бунча тош бўлмаса .....	15
Сенинг ташрифинг .....	16
Соғинч .....	17
Сенинг севгинг .....	18
Тақдир .....	19
Ривоят .....	20
Ҳақиқат .....	22
Садоқат .....	23
Болакай, улғайгин .....	24
Қизалогим .....	25
Баҳор .....	26
Фарзанд .....	27
Сизга тилагим .....	28
Болажон .....	29
Эзгулик уруғи .....	30

*Адабий-бадиий нашр*

**НОЗИМА ШАРИПОВА**

**САДОҚАТ**

*Шеърлар*

Муҳаррир А.САИД  
Бадиий муҳаррир Б.БОЗОРОВ  
Тех.муҳаррир В.ДЕМЧЕНКО  
Мусаҳҳиҳ М.ХУДОЁРОВА  
Компьютерда саҳифаловчи Е.НАЗАРОВА

Муқова «Artlob» дизайн марказида тайёрланди

ИБ 3986

Босишга 20.01.2005й.да рухсат этилди. Бичими 84x108 1/32.  
Босма тобоғи 1,0. Шартли босма тобоғи 1,68.  
Адади 1000 нусха. Буюртма № 16.  
Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа марказида тайёрланди.  
«Ёшлар матбуоти» босмаҳонасида босилди.  
700113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.